

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман суди, ўзининг биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи судья Ф.Эргашев;
судья ёрдамчиси Ш.Намозовнинг котиблигида,
тарафлардан давлат айбловчиси Ғиждувон туман
прокурорининг ўринбосари А.Джаборов, судланувчи
Ж.Адамбаев ва унинг ҳимоячиси адвокат Ў.Маликов
иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-
қисмининг “г” банди билан айбланган

Адамбаев Жамшид Азамотович (Adambayev Jamshid Azamotovich) 2001 йил 19 октябрь куни Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, ўрта-махсус, бўйдоқ, ишламайди, судланмаган, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, “Авесто” МФЙ, “Орзу” кўчаси 2-муъолиш 45А-уйда яшовчи, иш бўйича унга нисбатан 2025 йил 13 ноябрь куни “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг 2026 йил 21 январдаги ажримига кўра “сиртдан қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинган, 2026 йил 31 январь куни қидирувдан ушланган ва тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга

нисбатан 1-2006-2601/15-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ж.Адамбаев ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил 29 сентябрь куни соат тахминан 13-17да Хоразм вилояти Урганч шаҳрида бўлгани ҳолда, “instagram” ижтимоий тармоғида ўзига тегишли бўлган “Limit_naxtla” номли аккаунт орқали Бекпулатов Миралишер Зафарбек ўғли билан танишиб, жабрланувчига “Uzum Nasiya” томонидан онлайн харидлар учун ажратилган 15.300.000 сўмни нақдлаштириб бериши мумкинлиги ҳақида айтиб, жабрланувчини қизиқтириб, жабрланувчига онлайн харидлар учун берилган 15.300.000 сўмни ўзининг “JS Market” ЯТТ ҳисоб рақамига кўчириб беришга ундаб, жабрланувчи



томонидан пул маблағи кўчириб берилганидан сўнг, ўзининг ваъдасини бажармасдан пулни ўзининг эҳтиёжига сарфлаб, фирибгарлик жиноятини содир этган.

Судланувчи Ж.Адамбаев унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, судда у “JS Market” ЯТТ у томонидан юритилишини, ушбу ЯТТнинг асосий фаолияти онлайн харидлар билан шуғулланиш бўлганини, унга мурожаат қилган бир қисм фуқаролар онлайн харидлари учун “Uzum bank” томонидан уларга ажратилган пул маблағини олиб, кейинчалик уларни нақдлаштириб, кўрсатилган хизмати учун ўзининг хизмат ҳақини ушлаб қолиб пулларни нақдлаштирганини, аммо бу фаолият доимий бўлмай, асосий фаолияти онлайн харидлар, олди-сотдилар ҳам бўлишини, тахминан 2025 йил 29 сентябрь куни М.Бекпулатов унга ижтимоий тармоқ орқали алоқага чиқиб, унга “Uzum bank” томонидан онлайн харидлар учун ажратилган 15.300.000 сўм пули борлигини, аммо у ҳозир харидни амалга ошириш истагида бўлмаганини, аммо оилавий шароитидан келиб чиқиб ҳозирда у пулга муҳтож бўлгани сабабли уни нақдлаштириш истагини билдирганини, у рози бўлганини, ва М.Бекпулатовга агарда у “JS Market” ЯТТга 15.300.000 сўм пулни кўчириб берса, у эвазига унинг пулларини нақдлаштириб ўзининг тахминий 500.000 ёки 600.000 сўм хизмат ҳақини ушлаб қолган ҳолда пулини нақдлаштириб бериши мумкинлигини айтганини, М.Бекпулатов рози бўлганини ва ўзи унинг ҳисоб рақамига пул маблағини кўчириб берганини, яъни М.Бекпулатов унга пул маблағини кўчиришда унинг ўзи бевосита қатнашмаганини, М.Бекпулатов ўзидаги мобил илова орқали пулларни кўчирганини, аммо шу даврда “JS Market” ЯТТда солиқ органи томонидан қўйилган картотека бўлгани сабабли пул маблағи солиқ тўловлари учун ечиб олинганини ва у М.Бекпулатовга пулини беришнинг имконини топмаганини, сўнг у М.Бекпулатовга пулини ишлаб тўлаб беришини айтганини ва ҳақиқатда ҳам 2025 йил декабрь ойи охирига қадар ишлаб 15.300.000 сўм пул тўплаганини, аммо шу даврда оилада ягона боқувчи бўлгани, унинг қарамоғида синглиси бўлгани синглисининг ўқув муассасасидан контракт тўлови тўланмаган тақдирда, ўқишдан четлаштирилиши мумкинлиги ҳақида хабар келгани сабабли у М.Бекпулатовга беришни мўлжаллаган пулни синглисининг ўқув муассасасига тўлаб берганини, сўнг эса унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганини, аммо келажақда у албатта ишлаб, М.Бекпулатовнинг 15.300.000 сўм пулини тўлаб бериш истагида эканини айтиб кўрсатув бериб

Н.

Гарчанд судланувчи Ж.Адамбаев ўзига эълон қилинган



айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, суд унинг айби қуйида келтирилган далиллар билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди:

Жумладан, жабрланувчи М.Бекпулатов ўзининг дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, судда у “Uzum Nasiya” томонидан онлайн харидлар учун унга ажратиб берилган 15.300.000 сўм пули бўлганини, оиласидаги моддий аҳволдан келиб чиқиб у онлайн харидга эмас, балки нақд пулга муҳтож бўлганини инobatга олиб, ушбу 15.300.000 сўмни нақдлаштиришни имконларини қидирганини ва Ж.Адамбаев билан ижтимоий тармоқда танишиб қолганини, Ж.Адамбаев унга пулни “JS Market” ЯТТ ҳисоб рақамига кўчириб берган тақдирда у пулларни нақдлаштириб беришини ва эвазига ўзининг хизмат ҳақини олиб қолишини айтганини, у рози бўлганини, сўнг “JS Market” ЯТТ ҳисоб рақамига ўзининг мобиль иловаси орқали 15.300.000 сўмни кўчириб берганини, аммо Ж.Адамбаев унга пулини бермаганини у турли йўллар билан алоқага чиқишга ҳаракат қилганини, аммо Ж.Адамбаев алоқага чиқмаганини, сўнг у мажбурлигидан яна қайтиб бошқа фуқаро сифатида ижтимоий тармоқда Ж.Адамбаевга алоқага чиққанида Ж.Адамбаев у билан гаплашганини ва ушбу суҳбат давомида унга яна пулини нақдлаштириб беришини айтганини, у Ж.Адамбаевга ёлғондан яна пули борлигини уни кўчириб беришини аммо бунинг учун паспорт нусхасини ташлаб беришни айтганини, сўнг Ж.Адамбаев унга паспорт нусхасини ташлаб берганидан сўнг унга нисбатан ариза билан мурожаат қилганини, аммо Ж.Адамбаев шу кунга қадар унга пулини бермай келаётганини унга нисбатан қонуний чора кўриб, етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, судланувчи Ж.Адамбаевнинг айби бирламчи иш ҳужжатлари, жабрланувчиларнинг аризаси, тушунтириш хатлари, ижтимоий тармоқдаги ёзишмалар сурати, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва илова фото суратлар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Адамбаевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “г” банди “*фирибгарлик, яъни ахборот технологияларидан фойдаланиб, алдаш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш*” да ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан қуйида келтирилган асосларга кўра нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасининг



2-қисмида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”- деб кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур модданинг 5-қисмида “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” - деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасида шахснинг айбдорлигига оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги, фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

ЖПКнинг 462-моддасида Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, судланувчига нисбатан қандай турда ҳукм чиқариш масаласини ҳал қилиш вақтида суд ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи талабларига амал қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 22-бандида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш деганда, молия, банк масалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси,



планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши лозимлиги, бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги ҳақида тушунча берилган.

Судда текширилган далиллар мажмуига кўра, судланувчи Ж.Адамбаев жабрланувчига ЯТТ ҳисоб рақамини берганини, жабрланувчи ўзининг ихтиёри билан ўзи томонидан ҳисоб рақамга пул кўчирилгани, ахборот технологияларидан манипуляция қилинмаганини, жабрланувчи ўзининг ихтиёри билан ўзининг телефон қурилмаси орқали судланувчи томонидан берилган ҳисоб рақамга пулни ўтказиб бергани кўринади.

Юқорида келтирилган асосларга кўра, суд судланувчи Ж.Адамбаевнинг ҳаракатларини ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “г” бандидан ЖК 168-моддасининг 1-қисми яъни *“фирибгарлик, яъни алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш”* билан таснифлаш лозим деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Ж.Адамбаевга жазо тайинлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Ж.Адамбаевга жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймондалигини, оилавий шароитини, етказилган моддий зарар миқдорини, жабрланувчига етказилган зарарнинг қопланмаганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта



тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини ҳамда жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, судланувчига нисбатан айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи Ж.Адамбаевга жазо тайинлашда ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “а” бандида *“озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда ўташ тайинланади”* деб кўрсатиб ўтилганлигини инобатга олади.

Суд жиноят иши юзасидан моддий зарар масаласини муҳокама қилар экан, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, судланувчи Ж.Адамбаевдан жабрланувчи М.Бекпулатов фойдасига 15.300.000 сўм ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд жиноят иши юзасидан ашёвий далилар масаласини муҳокама қилар экан, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ашёвий далил деб эътироф этилган Ж.Адамбаевга тегишли “Red Mi S21” русумли телефонни унинг яқин қариндошига қайтариш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Адамбаев Жамшид Азамотович (Adambayev Jamshid Azamotovich) ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ж.Адамбаевга ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 31 январдан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Адамбаевдан нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Ж.адамбаевдан жабрланувчи М.Бекпулатов фойдасига 15.300.000 сўм ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ашёвий далил деб эътироф этилган Ж.Адамбаевга тегишли “Red Mi S21” русумли фон унинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига



мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукми (ажрими) эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, маҳкум (оқланган шахс) ва жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳукми (ажрими) устидан ушбу суд орқали юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ф.Эргашев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Маъсул судья: Эргашев Фарход Хамидович

